



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 7 май, № 93 (7323)

Сешанба

Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги ташаббус ва кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш — барқарор иқтисодиёт ва юқори даромад манбаи



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 6 май куни Фарғона вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 12-13 июнь кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шу давр мобайнида мазкур масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

2018 йилда вилоятга 152,7 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди. Натижада қўша корхоналар сони 80 тага кўпайиб, 283 тага етди. Жорий йил январь — март ойларида 66 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, "Winchemical", "Listem-Fergana" каби қўша корхоналар ишга туширилди.

Президентимиз дастлаб Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ташриф буюрди.

Мазкур корхона ўз вақтида Фарғона водий-сидаги нефть конларини ўзлаштириш ва минтақа давлатларига нефть маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида бунёд этилган. У ҳозирги кунда ҳам углеводород хом ашёсини қайта ишлаш бўйича мамлакатимиздаги йирик мажмуалардан биридир. 475 гектар ер майдони, 52 та технологик объект унинг улкан салоҳиятидан далолат беради.

Лекин техника ва технологиялар эскиргани, ишлаб чиқариш, асосан, импортга боғлиқ бўлгани сабабли корхона кейинги ўн йилда ўзини оқламаётган эди. Йиллик лойиҳа қуввати 6 миллион 450 минг тонна бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш бор-йўғи 30 фоизга тушиб қолганди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 февраль куни нефть-газ ва кимё sanoatини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини инвесторларнинг ишончли бошқарувиغا бериш вазифасини қўйган эди. Шунга мувофиқ, 10 апрелда "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Модернизация жараёни Индонезиянинг "PT Trans Asia Resources" компанияси билан ҳамкорликда уч босқичда амалга оширилди.

Соҳада катта тажрибага эга ушбу компаниянинг жаҳон бозорига ўз ўрни бор. Бу заводни хом ашё билан барқарор таъминлаш уни жаҳон стандартлари асосида қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорга етказиб беришга хизмат қилади. Келгусида етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этиш режалаштирилган.

Заводга жорий йилнинг ўзида камида 300 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилади. Бу маблағ эвазига икки ой давомида ҳозирги кунда ишламай турган 11 қурилманинг 7 тасидан фойдаланиш тикланади. Бунинг натижасида 7100 та иш ўрни сақлаб қолинади. Шунингдек, завод икки баробар кўпроқ хом ашё таъминланади. 2020 йилдан бошлаб "Евро-4", "Евро-5" каби юқори сифатли дизель ўқилғисини ишлаб чиқаришга эришилади. Маҳсулотлар таннархи тушиб, сифати оширилиши натижасида вилоятнинг экспорт салоҳияти янада юксалади.

Умуман, лойиҳа доирасида 2022 йилгача камида 875 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилади. Бу 60 йилдан буён ишлаб келаётган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва 110 йиллик тарихга эга Олтиарқ нефтни қайта ишлаш корхонасини замонавий мажмуаларга айлантириш, уларда экспортбор маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Энг муҳими, яна кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар иш билан таъминланади. Солиқ тушуми ойига қўшимча 100 миллиард сўмга ошади.

Шавкат Мирзиёев завод ишчиларини ва инвесторлар билан сўбатлашди.

Асосий мақсад — корхонани тўлиқ қувват билан ишлаштириш, одамларни иш билан таъминлаш. Бу Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг янги даври бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Заводга хом ашё олиб келиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Президентимиз Қўштепа туманидаги "Ипак гиламлар" корхонасида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш муҳим ташаббусдан сўнггиси аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга тўлақонли турмуш шaroити яратишга қаратилган. Ушбу ташаббусни амалга ошириш учун ҳар бир туманда энгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналари ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу корхоналарга биринчи навбатда боқувчисини йўқотган, турмуши оғир хотин-қизлар, шунингдек, кўп болали аёллар ишга жалб қилинмоқда.

Ўтган даврда тикув-трикотаж корхоналарига ишга жалб қилинган аёллар қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитилди. Уларга ўқиб давомида стипендия берилди, ўқитувчилар ойлик маош билан таъминланди.

Фарғона вилоятида ҳам бешинчи ташаббус доирасидаги ишлар кенг кўлач ёймоқда. "Ўзбекпахтаसानоат" АЖ томонидан жорий йилда вилоятда 7 та, 2020 йилда 8 та тикув-трикотаж корхонаси ташкил этилади. Натижада 4,5 мингта янги иш ўрни яратилиб, аёллар бандлиги таъминланади.

"Ўзбекипакसानоат" уюмчаси томонидан ҳам вилоятда мавсумий ва доимий иш ўринларини яратиш мўлжалланган. Уюшма пилла етиштиришдан тайёр маҳсулот чиқаришгача бўлган жараёни кластер усулида ташкил этиш орқали ипак маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтиришни режалаштирган. Уюшма томонидан 2019 йилда вилоятда хотин-қизларни касаначиликка жалб этиш орқали 30 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Аҳамиятlisi, бир мавсум давомида пиллакорларга бир йиллик меҳнат стажи ёзилади. Илгари уларга на маош тўланган, на меҳнат

стажи ёзилган. Ҳозир аёллар буюртма олиб, уйда ишлаш имкониятига эга бўлди. Бундай амалиёт мамлакатимизнинг барча ҳудудида жорий қилинмоқда.

"Ипак гиламлар" корхонаси Қўштепа туманидаги "Исмоилжон гиламлари" масъулияти чекланган жамиятининг филиали бўлиб, бу ерда 200 нафар, жамият таркибидagi 9 та шундай корхонада жами 2 мингга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Ушбу корхоналарда атлас, адрес ва шойидан 300 га яқин турдаги тайёр маҳсулотлар, 400 дан ортиқ нусхалардаги ипак гиламлар тўқилмоқда.

Президентимиз ипак гиламлар эскизини тайёрлаш ва тўқиш жараёнини кўздан кечирди, маҳсулотлар сифати ва харидоригирлиги билан қизиқди.

Ипакдан тўқилган гиламларнинг ноёблиги шундаки, йиллар ўтса ҳам у хусусиятини йўқотмайди, аксинча, ранги янада очилиб боради. Шунинг учун бундай гиламларнинг ўлчами кичик бўлса-да, жаҳон бозорига жуда қиммат.

Давлатимиз раҳбари қишлоқда хотин-қизлар учун янги корхона ташкил этиб, жаҳон стандартларига мос ипак маҳсулотлар тайёрланаётганига юксак баҳо берди. Пиллачилик кластерларини ташкил этиш бўйича Фарғона тажрибасини омаллаштириш, маҳаллалар ҳузурида 300 — 400 кишилик корхоналар, уларнинг олдига 1-2 гектарлик пиллакорлар очиб кераклигини таъкидлади.

Бундай корхоналар ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан жуда зарур. Биринчидан, озолаб хотин-қизлар иш билан таъминланади. Иккинчидан, юртимизда бу соҳада яхши анъана, кенг имконият мавжуд. Ташқи бозорга эса йўллар очик. Шунинг учун Хотин-қизлар қўмитаси тасарруфида ипакдан маҳсулотлар тайёрлаш бўйича кластерлар ташкил этиш керак. Шунда хом ашё етказиш ҳам барқарор бўлади, таннарх ҳам тушади. Пилла боқидан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнда минглаб хотин-қизлар ишлайди. Ишлаган аёлнинг турмуши, дунёқараши, фарзанд тарбиясига эътибори ҳам бошқача бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

"Исмоилжон гиламлари" масъулияти чекланган жамияти йил охиригача яна 15 та тўқув цехи ташкил этиб, ишчилар сонини 4,5 мингтага етказишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхона фаолиятини янада кенгайтириш, бу ерни Фарғона туризм йўналишига киритиш, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларда унинг расталарини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ипак маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни ташқи бозорга арзон нархларда етказиш, хотин-қизлар учун иш ўринларини кўпайтириш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди.

Президентимиз Фарғона шаҳридаги замонавий рентген аппаратлари ишлаб чиқарадиган қўша корхонада бўлди.

Мамлакатимизда электротехника sanoati жадал ривожланиб, янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Яқинда фаолият бошлаган Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги "Listem-Fergana" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўша корхона шулардан бири. Бу нафақат юртимиз, балки минтақада юқори технологияли тиббий техника тайёрлайдиган ягона завод ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, замонавий диагностика асбоб-ускуналарини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур қўша корхона ана шу ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Шавкат Мирзиёев корхона ишчи-хизматчилари билан мулоқот қилди.

Ушбу замонавий қўша корхона лойиҳасининг умумий қиймати 8 миллион доллар бўлиб, йилгача икки турдаги 300 дана рентген аппарати ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Биринчи босқич доирасида 35 киши иш билан таъминланган. Айни пайтда кейинги босқични ҳаётга таъбиқ этиш устида иш олиб борилмақда. Йил якунига қадар яна 100 га яқин иш ўринлари яратилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМИ ВА ИЛМ-ФАНИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида умумий амалиёт врачлари ҳамда тор мутахассисларнинг етишмаслиги, тиббиёт таълим муассасаларида зарур бўлган амалий тайёрларнинг етарли бўлмаётганлиги, шунингдек, узлуқсиз касб-хунар таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл ва услубларининг сустр жорий этилиши тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, ўрта муддатли даврда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қабул қилинишини талаб этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси вазиқлари мувофиқ, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада такомиллаштириш, унинг амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилинишини таъминлаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Кўйилган тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари учун умумий амалиёт врачлари ичидан **эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассислар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;**

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш ва узлуқсиз касбий таълимни жараёнларига **ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорий этиш;**

тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг **малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг марказлаштирилишига барҳам бериш**, уларнинг узлуқсиз касбий таълим билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида **ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобга олишни таъминлаш;** тиббиёт ва фармацевтика илм-фанини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновацияларни жаҳон даражасига **ривожлантириш**, уларнинг глобал илмий майдонга интеграция қилинишини таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш, таълим, илм-фан ва амалиётни интеграция қилишнинг узлуқсизлигини таъминлаш мақсадида **тиббиёт ва фармацевтика муассасаларининг клиникалари, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш.**

2. Кўйилганлар: тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

2025 йилга қадар тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини ривожлантириш сифатини баҳолаш индикаторлари 2-иловага мувофиқ;

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари, ўқитиш мuddатлари ва битирувчиларга бериладиган малакалар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Ўрта махсус тиббиёт таълим йўналишлари, ўқитиш мuddатлари ва битирувчиларга бериладиган малакалар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуқсиз касбий таълим муассасалари ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қўйилган ҳужжат берилсин:

белгиланган тартибда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини амалиёт ва илгор халқаро тажрибага интеграциялашувини таъминлашни инноватга олган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуқсиз касбий таълим тизимининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тасдиқлаш;

тиббиёт ва фармацевтика таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мустақил равишда тақлифлар киритиш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 4 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Муҳокамада прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга, қонун билан ҳимоя

қилинаётган жамият ҳамда давлат манфаатларини таъминлашга, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани таъкидланди.

Қурилган чоралар натижасида ҳисобот йилида жиноятчиликни 2017 йилдагига нисбатан 33,5 фоиз камайтиришга эришилди. 9022 та маҳалладан 2301 тасида (25,5 фоиз) бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. "Global law and order" халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз давлатлари рейтингига Сингапур, Норвегия, Исландия, Финляндия давлатларидан кейин 5-ўринни эгаллади.

3

«ҲУКУМАТ СОАТИ»ДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш ҳамда халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳа ривожига ва охир-оқибат мамлакат тараққиётида муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қўйилган наватдаги «Ҳукумат соати»га "Умумий ўрта таълим мактаблари биналарини сақлаш, синфхоналари, дарсликлар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала киритилди.

Мазкур масала бўйича депутатларга ахборот бериш ва уларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтариш учун парламент куйи палатасига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Умаров тақлиф этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида барча соҳадаги каби таълим йўналишида ҳам чуқур ислохотлар, янгиланишлар амалга оширилди. Айниқса, таълим сифатини яхшилаш, мактаб ўқувчиларига зарур шарт-шaroитлар яратиш мақсадида тизимли чора-тадбирлар бажарилди. Хусусан, дарсликларни такомиллаштиришда инновацион ёндашув асосида ўқувчиларни мантқий фикрлашга йўналтирилган таълимий ўйинлар, машқлар, масалалар, топшириқлар дарсликлар мазмунига сингдирилди.

3

Парламент ҳаёти Депутатлар тижорат банкларини ҳимоя қилди

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг наватдаги мажлисида мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Депутатларнинг тортишуви, конструктив баҳс-мунозараларини келтириб чиқарган лойиҳалардан бири — "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур ҳужжат муҳокамаларида депутатлар томонидан бир қатор саволлар ўртага ташланди, айрим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Расул Қушербаев ушбу қонун лойиҳаси ўзгаришлари йиғилишида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлганини таъкидлар экан, ўзгартиришларга кўра, Марказий банкнинг хусусий тижорат банкларидаги вакили институтини жорий қилиш масаласига эътироз билдирди. Депутат "Банкларда Марказий банк вакилининг бўлиши

қонун орқали белгилаб қўйилиши мөлия муассасалари мустақиллигини таъминлаш йўлида тўсиқ бўлиб қолмайдими?", "Ўртага сармоядорларнинг ишончини қозониш, одамларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш масалаларида муаммолар юзга келмайдими?" деган саволларни ўртага ташлади.

Куйи палата депутати Бекоз Ортиқов мазкур норманинг "Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги тўғрисида"ги Қонунга қанчалик мос келиши билан қизиқди.

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМИ ВА ИЛМ-ФАНИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

фақатгина ўқув ва амалиёт характериға эға чора-тадбирлар бўйича иш вақтини ҳисобға олишға таянган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика таълимининг (шу жумладан, кредит-модулли ўқитиш тизими шароитида) ўзига хослигини ҳисобға олган ҳолда мустақил равишда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат меъёрларини белгилаш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш;

узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари устидан яғона ташкилий ва ўқув-услубий раҳбарлиқни таъминлаш; ўқитишнинг умумий харажатларидан келиб чиққан ҳолда қилинган ординатура (резидентура)да тўлов-контракт асосида ўқитиш нархи миқдорини белгилаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассислиқлар бўйича шифокорларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари учун **бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи максадли ихтисослаштириш курсларида тайёрлашни ташкил этиш** ҳақидағи таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: бирламчи максадли ихтисослаштириш курсларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи тизимидағи давлат тиббиёт муассасалари ва ҳудудий соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тегишли соҳаларда кадрлар танқислигини инобатға олган ҳолда шакллантириладиган талабномаларға асосан, умумий амалиёт шифокорлари қабул қилинади; шифокорларни бирламчи максадли ихтисослаштириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида уларни таъминлаб туриш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалға оширилади; бирламчи максадли ихтисослаштириш курслари якунида шифокорларға олинган ихтисослиқ бўйича фақатгина соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи белгиланган намунадағи сертификат тақдим этилади;

бирламчи максадли ихтисослаштириш курсларини тамомлаган шифокорлар уларни ўқишға йўллаган муассасада эғалланган тор мутахассислиқ бўйича камида уч йил ишлаб беришлари шарт; талаб этиладиган мутахассислиқлар бўйича шифокорларни бирламчи максадли ихтисослаштириш курсларида ўқитишнинг тартибий, дастурлари ва муддатлари, шахсларни бирламчи максадли ихтисослаштириш курсларига саралаб олиш квоталари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи томонидан белгилаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи: а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика кадрлари учун муаммоларға йўналтирилган модулли ўқув дастурлари, семинар, конференция, вебинар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглр ва бошқа ўқитиш курслари неғизида ҳар йили малака оширишни назарда тутувчи **кредит-модулли**

ўқитиш тизимига асосланган, узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этсин;

б) тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим олиши тизими асосида ўқитиш ҳуқуқи белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган куйидағи муассасаларға тақдим этилсин:

тиббиёт ва фармацевтика, шу жумладан, нодавлат олий таълим муассасалари; республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ҳамда илмий марказлари, уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари;

ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, белгилансинки, узлуксиз касбий таълим тизими асосида ўқитиш натижалари бўйича шифокорлар ва провизорларни яқка тартибда лицензиялашда ҳисобға олинадиган, тўлланган кредитларни инобатға олувчи белгиланган намунадағи сертификат берилади;

в) 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таълим олаётган ҳар бир тиббиёт ва фармацевтика ходимини мониторинг қилиш ва ўқитиш ҳажмини шахсий ҳисобға олиш имкониятини таъминловчи **“Узлуксиз касбий таълим” махсус портални** яратсин.

6. Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўлланадиган кредитлар ҳажми 6-иловаға мувофиқ белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **кадрларни узлуксиз тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, таълим ва илм-фан жараёнларини тиббиёт амалиёти билан интеграция қилиш** тўғрисидағи таклифига розилиқ берилсин, унда куйидагилар назарда тутилсин:

Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи, иккинчи ва учинчи клиникалари неғизида замонавий тиббиёт таълим кластерини яратиш орқали **Тошкент тиббиёт академиясининг Кўп тармоқли клиникасини** ташкил этиш;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари таркибий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш (амалиёт) ишлари проректори (директор ўринбосари) лаволи ва иккита штат бирликларидан иборат клиник (ўқув) базалари билан ишлаш бўлимини ташкил этиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланувчи анатомик морғлар, ўқув-биологик лаборатория (виварий)лар ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув-симуляцион марказларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ташкилотларини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалға оширсин.

9. Белгилансинки:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари: тиббиёт олий таълим муассасаларининг тарихий бўлиналари ва клиник фанларни ўқитиш учун асосий база ҳисобланади, шунингдек, кафедра ходимлари билан биргаликда ўқув жараёнини ташкил этиш, аҳолиға ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш,

тиббиёт соҳасида илмий-текширув изланишларини олиб боришда фаол иштирок этади;

клиника шифокор ходимлари таркибини шакллантиришда тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари профессор-ўқитувчиларининг сони 50 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлайди;

тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари ходимларини дарс жадвали ва ўқув режаға мувофиқ етарли ўқув хоналари, шунингдек, педагогик ҳамда илмий-текшириш фаолияти учун шaroитлар билан таъминлайди;

б) тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг бош шифокорлари: яширин овоз бериш йўли орқали олий таълим муассасаси Кенгашининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимға тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

кафедра ходимларининг тўлақонли таълим, даволаш-диагностика ва илмий фаолиятини ташкил этишни таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

10. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқландиган рўйхатға кўра, республиканинг олис ва етиб бориш қйин бўлган ҳудудларидағи бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари давлат муассасаларида уч йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб берган шифокорларға клиник ординатураға (резидентураға) қиришда танлов синовлари натижалари бўйича ййилган баллар суммасидан 30 фоиз миқдорида қўшимча баллар тақдим этилиши;

тиббиёт олий таълим муассасалари, малака ошириш институтлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тектириш институтлари ва уларнинг филиаллари харажатларининг бюджет сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида, шунингдек, тўлов-контракт асосида клиник ординаторлар (резидентлар)ни ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан клиник ординатор (резидент) раҳбарига бир йилда 100 соат ҳисобидан бир нафар клиник ординатор (резидент)ға раҳбарлик учун соатбай тўловлар тўлиниши белгилансин.

Тиббиёт олий таълим муассасалари раҳбарларига дарс бериш фаолиятида иштирок этиши учун даволаш-профилактика муассасаларидан жалб қилинадиган малакали мутахассисларға тўлов-контракт асосида ўқишға қираётганлар маблағлари ҳисобидан лавозим маошиға 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

кредит-модулли ўқитиш тизимини жорий этиш орқали олий тиббиёт ва фармацевтика таълими давлат таълим стандартлари, тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш давлат талабларини ишлаб чиқиш; таълим жараёнида клиникағача ва клиник модуллар, шу жумладан, клиник ўқув амалиёти бўйича ўқув соатларини ошириш ҳисобига амалий таркибий қисмини кучайтириш;

кредит-модул тизимини жорий этиш орқали магистратура ва клиник ординатура (резидентура)да эғалланаётган амалий кўникмаларнинг мураккаблиғига боғлиқ ҳолда таълим

ЯНГИ ТАШАББУС ВА КЕНГ ИМКОНияТлардан самарали фойдаланиш – барқарор иқтисодиёт ва юқори даромад манбаи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида экспорт-боп махсулотлар тайёрлаш, аввало, ички бозор талабларини қондириш мақсадида кўшма корхонада йиллик ишлаб чиқариш қувватини 500 донаға етказиш, махсулот турини 10 дан ошириш кўзда тутилган. Бу шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинаётган тиббий ускуналар ўрнини тўлдирishi, ички бозорни арзон ва юқори сифатли жиҳозлар билан таъминлаш имконини беради.

Жанубий Кореянинг дунёға машҳур “Listem” корпорацияси 1960 йилда фаолият бошлаган, 12 хил рентген аппарати ишлаб чиқаради, уларни 75 та мамлакатта экспорт қилади. Албатта, мазкур нуфузли корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган “Listem-Fergana” кўшма корхонаси ҳам тез орада дунёда ном қозонади.

Бундай дейишимизға тўлиқ асос бор. “Listem-Fergana”да ишлаб чиқарилаётган рентген ускуналарига ҳозирданқо талаб юқори. Корхона тўла қувват билан иш бошлағач, махсулотнинг асосий қисмини экспортға йўналтириш мўлжалланган. Мазкур махсулотлар Ўзбекистон бозори учун ноёб ва инновацион ҳисобланади. Бу нафақат аҳолини диагностика қилишда тиббий ёрдам сифати ва даражасини оширади, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашға хизмат қилади.

Фаргона шаҳридағи 5-оилавий поликлиника ушбу кўшма корхонанинг илк миқжози бўлди. Бош шифокор Феруза Мадалиеванинг қайд этишича, поликлиникаға корхонанинг дастлабки “Смарт-DR” рақамли рентген аппарати ўрнатилган. У бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган шундай ускуналардан уч баробар арзон, энергия тежамкор. Мисол учун, Фарғонада ишлаб чиқарилган “Смарт-DR” рақамли рентген аппарати 50 минг АКШ долларига сотилади. “Philips” компаниясининг шундай рентген аппарати 144 минг доллар, “Siemens” конценриники эса 168 минг доллар баҳоланади.

“Смарт-DR” рақамли рентген аппаратида соатига 12 — 15 миқжози текширувдан ўтказиш мумкин. Текширувдан ўтиш ва хулосаси олиш учун 3 — 5 дақиқа kifона. Олинган тасвирлар компьютер хотирасида 5 йилгача сақланади. Бу, ўз навбатида, касаллик динамикасини кузатишда муҳим аҳамиятга эға. Яна бир муҳим жиҳати, нурланиш даражаси 4-5 марта камайтилган. Олинаётган тасвирни интернет орқали даволовчи шифокорға юбориш мумкин. Бошқа шифокорлар билан масофадан туриб консилиум қилиш имконияти ҳам мавжуд. Давлатимиз раҳбари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, энг аввало, тўғри ташхис қўйиш муҳимлиғи, тиббий жиҳозларни юртимизда ишлаб чиқариш ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан яхши самара беришини таъкидлади. Корхонада маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, ходимлар малакасини юксалтириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядағи элчихонаси билан ҳамкорликда амалға ошириладиган “Фарғонаазот” ва “Кўқонсуперфосфат” акциядорлик жамиятларида азотли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, Водил кўмир конида кўмир казиб чиқариш, тошдан азотлогик тоза қоғоз ишлаб чиқаришға оид режалар, Фарғона вилоятида амалға ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Жумладан, Фарғона шаҳрида Жанубий Кореянинг JEI университети филиалини очиш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 5,3 миллион доллар. Унинг 3 миллион доллар хорижий инвесторлар ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда мактабгача таълим муассасалари, меҳмонхона, туризм ва космоетиция соҳалари учун мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. 400 талаба тахсил оладиган филиални жорий йилда очиш мўлжалланган.

Жанубий корейлик ҳамкорлар билан “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида йилига 10 минг дон “Hyundai” электромобиль ишлаб чиқариш қувватига эға корхона ташкил этиш режалаштирилган. 1000 та иш ўрни яратилади.

Президент Фарғона шаҳридағи “Темурбеклар мактаби”ни бориб кўрди.

Мамлакатимиз Куролли Кучлари жанговар қудратини ошириш жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, харбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун армия ва харбий таълим муассасалари ўзлиқини англаш, миллий ғурур, мустаҳкам ирода мактабига айланди. Ёш аскар ва курсантлар учун харбий қасамдә қабул қилишдан аввал Ўзбекистон тарихи фани ва “Темур тузуқлари” китоби бўйича синов ўтказиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдағи “Ёшларға оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони бу борада яна бир муҳим кадам бўлди. Буоқ саркарда Амир Темур бобомизнинг мардлиғи ва ватанпарварлиғи, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизға ўрناқ қилиш мақсадида мамлакатимиздағи барча харбий лицейларға “Темурбеклар мактаби” деб ном берилди.

Чунки ҳар бир йилгит-қиз, айниқса, харбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонларни, буоқ саркарда ва кўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чўқур билиши, улар билан фархланиши керак. Бу инсонда миллий ғурурни, ватанпарварлик, фидойилик туйғусини тарбиялайди.

Фарғонадағи “Темурбеклар мактаби”да таълим-тарбия ишлари шу асосда йўлга қўйилган. Айни пайтда бу ерда 437 ўқувчи тахсил олмақда.

Мактаб ёшларни Мудофаға вазирлиғи тасарруфидағи олий харбий билим юртлиари ва бошқа ўқув муассасаларига аниқ фанларға чўқурлаштирилган ҳолда тайёрлашға ихтисослаштирилган. Ўқувчилар дарсдан бўш вақтини фойдали ўтказиши учун турли фан ва спорт тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари харбий лицейларнинг номи ўзгарганини, энди унинг мазмун-моҳияти, таълим сифати ҳам Темур бобомизға муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлади.

“Темурбеклар мактаби” ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ҳавас қиладиган маскан бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг маъқеи, савияси, билим бериш даражаси юқори бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Темурбеклар мактабларини ривожлантириш бўйича янги тизимни белгилаб берди. Унга кўра, бу мактабларға ёшлар чекланган миқдорда танлаб олинади, ўқувчилар замонавий ахборот технологиялари ва камида иккита хорижий тилини пухта ўрганади, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, ҳар томонлама барқамол, ёшлар орасида етакчи бўлиб шаклланади. Ушбу мактаблар битирувчилари олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбари “Темурбеклар мактаби”да яратилган шароитларни кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. Шу ерда Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз уларни яқинлашиб келаётган Хотира ва Кадрлар кuni билан табриклади. Нуронийлар юртимизға тинчлик-фаровонлик тўлов сува қилди.

“Темурбеклар мактаби”га атибсу сува қилинди. Шавкат Мирзиёев Фарғона туманидағи “Комилжон ота Мамажонов” фермер хўжалигида бўлиб, бу ерда амалға оширилаётган ишлар билан танишди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришға янги технологияларни жорий этиш, аграр соҳани ривожлантиришда илгор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тадбирларни қўллаш, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспортни ташкил қилишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса сифатли қишлоқ хўжалиғи махсулотлари етиштириш, қўллаб иш ўринлари яратиш имконини бераётёр.

2005 йили ташкил этилган “Комилжон ота Мамажонов” фермер хўжалиғи 72 гектарда деҳқончилик қилади. Жорий йилда 31 гектар ердағи галладан 70 центнердан ҳосил олиш ва 135 миллион сўм соф фойда кўриш кўзда тутилган. Шунда давлат шартнома режаси 110 фоиз бажарилади, фермер ихтиёрида 80 тонна дон қолади. Бундан хўжалиқда меҳнат

қилаётган 20 нафардан ортиқ ишчилар ҳам манфаатдор. Бундан ташқари, хўжалиқда 7 гектар узумзор, 14 гектар бог ташкил этилган. 9 гектарда чорва учун озуқа экинлари, 11 гектарда эса сабзавотлар экилиб, парвартишланмоқда.

Фермер хўжалиғи азволлари галладан бўшаган 31 гектар май-донға такрорий экин сифатида мош экишни режалаштирган. Етиштириладиган махсулотнинг харидори ҳам бор, сабаби хўжалиқ экспортёр корхона билан 20 тонна ташқи ҳамда 45 тонна ички бозорға мош сотиш бўйича шартнома тузган. Бундан эса 130 миллион сўм фойда қўрилади.

Шунингдек, хўжалиқ фаолиятини кенгайтириш, даромадини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун тижорат банкидан 1,8 миллион доллар кредит олинди ва 5 гектар майдонда лимончилик йўлга қўйилди.

Деҳқончиликда қишлоқ хўжалиғи техникаларининг ҳам урни катта. Фермер хўжалиғи ҳисобида “Кейс”, “Клаас Доминатор” комбайнлари, “Орион” ҳайдов трактори, бог қатор орасига ишлов берувчи минитрактор, экскаватор каби техника ва агрегатлар ер умндорлиғи, иш самарадорлигини ошириш, ҳосилдорлиқни кўпайтиришға хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоят фермерлари билан мулоқот қилди. Жорий йилда сувдан омилкорлик билан тежаб фойдаланиш, далага такрорий экинларни тўғри жолаштириш ва ҳосилдорлиқни ошириш, уруғ сифатини яхшилаш бўйича долзарб вазифалар турганини таъкидлаб, мутасаддиларға бу борада зарур топшириқлар берди.

Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани сингари Фарғонада ҳам ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Уларни ишға солиб, қўшимча даромад топиш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш мумкин. Бунинг учун самарали ҳаракат қилиш, одамларда тадбиркорлик фаолиятиға бўлган қизиқишни кучайтириш, томорқадан умнмли фойдаланиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ернинг ўзида Президентимизға Фарғона вилоятида 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиғи соҳасида амалға ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, богдорчилик, чорвачилик, паррандачилик, балячилик, асаларчилик, исиқхона, мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, пахтачилик кластерлари, логистика маркази ташкил этиш, совитчилик омборхоналар қуриш каби 493 лойиҳани ҳаётға татбиқ этиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар амалға оширилган, 10 миңдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, Кува ҳамда Олтиариқ туманларида мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиғи кооперацияларини ташкил этиш, вилоятда 2019-2020 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида 2 минг гектар майдонда бог ва тоқорлар барпо этиш, Олтиариқ туманидағи “Агро макс долина” корхонаси томонидан гўшт етиштириш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш, Кўқон шаҳридаги “Kokand milk quality” МЧЖ томонидан сутни қайта ишлашни кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳалари, жорий йилда инновацион ютуқларни амалиётға жорий этган ҳолда ветеринария хизматини ривожлантириш, Фарғона шаҳрида “UZ-SEGANG” МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиғи махсулотларини қайта ишлаш ва экспорт логистика маркази ташкил этиш, Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш бўйича “Фаза-2” лойиҳаси, паррандачилик ва туяқуш боқишни, чорвачилик ҳамда наслчилик ишларини ривожлантириш ва аҳоли даромадларини ошириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

2019 йилда Кува тумани ва Куvasой шаҳрида 300 гектар гилос боғи, Олтиариқ ҳамда Ўзбекистон туманларида 200 гектар ўрикзор ва узумзор ташкил этилади. 2020 йилда қўшимча 1500 гектар майдонда бог барпо қилинади. Бунинг учун 38,6 миллион доллар маблағ сарфланиши режалаштирилган. Умуман, вилоят озиқ-овқат саноатида 2019-2020 йилларда 703,4 миллиард сўм маблағ эвазига 81 лойиҳа амалға оширилади. 1500 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг Фарғона вилоятиға ташрифи давом этмоқда.

муддатларини оптималлаштириш орқали ўқитиш жараёнини такомиллаштириш;

илгор хорижий тажрибани инобатға олган ҳолда, ўқитиш даври учун кредитлар меъёрларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, 100 баллик рейтинг тизимини қўллаган ҳолда ўқувчи ва талабаларнинг ҳар бир модул бўйича билим ва кўникмалари ўзлаштирилишини назорат қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи: халқаро молия институтлари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайриялари, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **2020 йилдан бошлаб ҳар йили** тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари талабалари ва тиббиёт коллежаларининг ўқувчилари орасида клиник фанлар бўйича **Ибн Сино номидағи халқаро тиббиёт олимпиадалари**, шунингдек, **ёш олимлар орасида Ибн Сино номидағи халқаро илмий танловлар** ўтказилишини таъминласин;

ҳар йили 1 сентябрга қадар давлат тиббиёт муассасалари ва ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилотларининг талабномалари асосида республика ҳудудлари кесимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими муассасалари ва бўлиналари учун узлуксиз касбий таълим курсларида ўқитиш режаларини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи бир ой муддатда тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасалари, республика илмий-амалий марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари учун имтиёзли юқори теалиқдағи интернет-тарифларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдағи “Ўзбекистон Республикасида тибий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли қарорининг 2-банди иккинчи хатбосини ва 3-банди, шунингдек, иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари, фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-амалиёт базалари намунавий низомини тасдиқлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Жинойатчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл сабабларини аниқлашга, бунга шартли яратиб берган омилларни бартараф этишга қаратилди. Бу йўналишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" тизимлари жорий қилинди. Бош прокуратура Академиясида Жиноят содир этиш сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди, маҳаллалар кесимида жиноятлар сони ва турини таҳлил қилиш имконини берувчи электрон гео-ахборот хариталарини жорий қилиш ишлари бошланди.

Бир қатор вазифаларни инновацион йўл билан ҳал этиш имконини берувчи "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ахборот тизими ишга туширилди. Жиноят содир қилишга мойил шахслар 9 та тоифага ажратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, манзилли профилактика тадбирлари уюштирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг саломатлигини сақлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган фуқароларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар натижасида 28807 та оилага ёрдам кўрсатилди, фуқароларнинг 400 мингдан ортиқ муаммолари ҳал этилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

прокуратура органлари фаолиятини асосий йўналишларидан бириду. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятчилик қўшма бўлими департаменти томонидан тадбиркорлик субъектларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини тушунтириш ва иқтисодий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича 68,7 мингта тадбир ўтказилди. Тадбиркорлик билан ноқонуний шуғулланган 3483 нафар шахснинг рўйхатдан ўчиши таъминланди, 9,2 минг фуқарога тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, ҳуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 8146 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3392 та маъмурий ва 4178 та жиноят иши кўзга тутилди. Жиноят ишларининг 617 таси тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши, 1731 таси мансабдорлик жинойатлари, 542 таси пул маблағларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ, 986 та яширин чех фаолияти тугатилиб, 8,6 миллиард сўмлик ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулот олиб кўрилди. Шу билан бирга, валюта жиноятларига чек қўйилиб, 9,8 миллион долларлик нақд чет эл валютаси ва 3,5 миллиард сўм олиб кўрилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳисобот даврида 1907 нафар мансабдор шахс турли қўриқинидаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий ҳаққонликка тортилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга

муросасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида 6819 та учрашув ўтказилди, оммавий ахборот воситалари орқали 948 маротаба чиқиш уюштирилди. Коррупциянинг олдини олишга бағишланган видеороликлар телевидение орқали мунтазам намойиш қилинмоқда.

Ҳисобот даврида фуқароларнинг муносабатлари билан ишлашга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Келиб тушган жами 477495 та муносабатнинг 291413 таси бевосита прокуратура органлари томонидан қўриб чиқилиб, 270092 нафар фуқаро қабул қилинди. Прокуратура органларида Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналаридан келиб тушган 104747 та муносабатдан 98 мингтаси ёки 93 фоизи прокуратура органларининг ўзидан ҳал этилиб, 39531 таси ёки 37,7 фоизи қаноатлантирилди, 52694 тасига ёки 50,3 фоизига тегишли тушунтиришлар берилди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиб, Бош прокуратурада амалга оширилган ишлар ҳақида қўшма ахборотларни жамлаш ва таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда дастурларнинг ижроси устидан онлайн режимида мониторинг олиб бориш имконини берадиган электрон дастур ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, 11,4 миллиард сўмлик иш ҳақи, пенсия, алимент ва бошқа тўловларни олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Ноқонуний ҳужжатларга 1437 та протест келтирилди, қонунбузилишларини бартараф этиш ҳақида 539 та тақдимнома киритилди, 11,8 миллиард сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 960 та ариза берилди. 1580 нафар шахс интимиқий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, кўпел қонунбузиш ҳолатлари бўйича 261 жиноят иши кўзга тутилди.

Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан энергетика ресурслари учун қарздорликни камайтириш бўйича муҳим вазифалар бажарилиди. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Маъбурий ижро бюроси томонидан қўрилган чоралар натижасида 28,1 триллион сўм ундирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йил якунида энергия ресурслари ва ичимлик сувидан қарздорлик ўтган йилдагига нисбатан 70,3 миллиард сўм камайди. Суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида 16,4 триллион сўм ундирилди. Суд ҳужжатларини ўз мuddатда ижро этмаган шахсларга нисбатан 13,1 миллиард сўм жарима қўлланилди.

Тегишли идоралар билан биргаликда 100 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали 7945 маротаба чиқиш уюштирилди.

Шу билан бирга, фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича прокуратура нозоратини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, жиноятларни ҳисобга олмайд яшириш, ҳуқуқни химоя қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш, ор-номус ва қадр-қимматни топташ ҳолларига тўлиқ барҳам берилаётганини кайд этилди. Тезкор-қидирув ишлари лозим даражада олиб борилмагани натижасида жиноятларнинг 3737 таси ёки 15,7 фоизи фож қилинмади, қидирувда бўлган шахсларнинг 8188 нафари ёки 59,5 фоизи ушланмади.

Ҳисобот даврида 1100 нафар воёга етмаган шахс томонидан жи-

ноят содир этилгани фуқароларнинг бу тоифасини ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш, улар қаровсиз қолдирилишининг ва улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб турибди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари давлат бошқаруви ва нозорати органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг фаолиятига асоссиз ара-лашшиш, муаммоларини ҳал этишда сустлик қилиш ҳолларига чек қўйишга устувор даражада аҳамият берилиши кераклиги таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

Ҳисоб палатасига юкланган вазифаларини самарали бажарилиши Давлат бюджетини лозим даражада ижро этишга, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан ва кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишга кўмаклашиши таъкидланди.

Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ва бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга, Давлат бюджетини шакллантирадиган ва унинг даромадларини кўпайтирадиган захираларни аниқлашга, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини ижро этишга қаратилди.

Жумладан, ўрганиш ва таҳлил қўрилган чора-тадбирлар ҳамда қўрсатилган ёрдам натижасида жойининг ўзидан солиқ тўловчилар — юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти таҳлил қилинди, Давлат бюджетига 4,7 триллион сўмлик даромадлар қўшимча равишда ундирилди.

Тегишли нозоратни таъминлаш билан бирга, бюджет маблағларидан фойдаланиш масаласида йўл қўйилган камчиликлар сабаблари таҳлил қилинди, уларнинг олдини олиш чоралари қўрилди. Натижада камчилик ва хатолар, шунингдек, 1,2 триллион сўмлик ва 74,2 миллион долларлик самарасиз харажатлар аниқланди.

Ҳисоб палатасининг қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга доир тақлифлари асосида 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва баённомалар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Давлат бюджетига, давлат мақсадили жамғармаларига тушумларнинг тўлиқлигини, уларнинг мақсадили шаклланишини ва самарали ижро этилишини таъминлаш, солиқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ишларни мунтазам давом эттириш талаб қилинади.

Бундан ташқари, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, Давлат бюджетини шакллантириш ва унинг даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда уларни ишга солишга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини оширишга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий даражадаги таширфлари давомида имзоланган ҳужжатларнинг, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларининг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларнинг тўлиқ ҳамда самарали ижросига тўққизинчи йилдаги тизимли кам-

чиликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботини эшитдилар.

Қайд этилишича, республика вилояти ички маҳсулотидан Тошкент вилояти улushi 10,4 фоизни ташкил қилади. 2018 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 38,3 триллион сўмга етди, 2017 йилдагига нисбатан ўсиш 106,4 фоизни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улushi аначоқори, бу йўналишда 2017-2018 йилларда умумий қиймати 7 триллион сўмлик 2418 та лойиҳа амалга оширилди, 29 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида янги лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 2018 йилда 4 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Иқтисодиётта инвестицияларни жалб қилиш ишлари натижасида 2017 йилда 147,1 миллиард сўм, 2018 йилда 1,25 триллион сўм ўзлаштирилди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2018 йилда кўп тармоқли орасида жами 2,3 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига 5 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. 29 мингга умумий сони даярли Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятга 2017-2018 йиллардаги таширфлари вақтида берилган 800 дан ортиқ топшириқларни бажариш доирасида 560 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, 2018 йил февраль ойида вилоят скрининг маркази ташкил этилди, натижада ҳимилдор аёлларни Республика скрининг марказига юборишга эътиҳ қолмади.

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ва "Ешлар — келажагимиз" Давлат дастури доирасида ҳам вилоятда кенг қўламли ишлар олиб борилмақда. Жумладан, 2018 йилда 229 нафар ёшга 28,7 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилди, 830 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Охириги икки йилда вилоят халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий соҳага доир 120 дан зиёд долзарб масалалар муҳокама этилди. Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ижро этувчи ҳокимиятнинг 450 дан зиёд мансабдор шахслари ҳисоботлари эшитилди, тегишли тузилмалар раҳбарларига аҳолини ташвишга солаётган турли масалалар юзасидан 400 дан ортиқ депутатлар сўровлари юборилди.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини оширишга салбий таъсир қўраётганидан қўлаб муаммо ва камчиликлар борлиги қайд этилди.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилишга айрим заъирлик ва идоралар комплекс ёндашмагани туфайли бу масалалар ўз аҳамиятини йўқотмади. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамкорлиги етарлича самарали эмаслиги туфайли импорт ҳажмини камайтириш борасида сезиларли натижаларга ҳали эришилгани йўқ.



Хусусан, 2018 йилда вилоятда экспорт ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, импорт ҳажми эса 2,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Вилоят аҳолисини ташвишга солаётган муаммолар орасида коммунал хизматларга оид масалалар йиллар давомида ўз ечимини топмапти. Жумладан, туман марказларидан олис ҳудудларда жойлашган кўп қаватли уйларнинг 46 фоизидан иситиш тизимлари ишдан чиққан. Кўп қаватли уйлар хонадонларнинг 80 фоизидан иситиш батареялари тегишли тизимга уланмаган.

Маҳаллий буг қозонлари қуриш назарда тутилган бўлишига қарамай, буларнинг барчаси мансабдор шахслардан қўйилган вазифаларга масъулиятроқ ёндашишни ҳамда соҳага ихтисослаштирилган ваъирлик ва идоралар билан уюшган ҳолда иш олиб боришни талаб этди. Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнгра сенаторлар 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Аввал хабар берилганидек, Сенатнинг ўн еттинчи ялпи мажлисидаги тегишли қарори билан 2019 йилда кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фермер ҳўжалиқлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ёр майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган, фермер ҳўжалиқларининг ер участкалари мақбуллаштирилди. Шу муносабат билан дастурга Сенат томонидан тасдиқланган тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Сўнгра сенаторлар Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиологик сойишталлигини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Берилган имтиёзлар ва преференцияларга қарамай, ҳўжалиқ иривутичи субъектлар томонидан санитария қоидалари ва нормалари, гигиена нормативларига риоя қилинмаётган ҳолатлар кузатилаётгани, бу эса салбий оқибатларга олиб келаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан парламенти сўрови юбориш зарурати юзга келди. Мазкур масала бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўрин-

босари — транспорт вазирига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартларига риоя қилиш қисми ижроси ўрганилган. Натижада зудлик билан ҳал этиш талаб қилинадиган қатор муаммолар аниқланди. Шу боис тегишли сўров юбориш зарурати пайдо бўлди. Масала сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва уни ўташга оид қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳадаги ҳуқуқни қўлаш амалиёти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган парламент сўрови натижаларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 14 декабрдаги қарорига мувофиқ, мазкур парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига юборилган эди.

Парламент сўровига 2019 йил 20 марта берилган батафсил жавобда мавжуд муаммо ва камчиликларни, хусусан, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ҳамда уни ўтатишнинг амалдаги тизимидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўрилгани таъкидланди. Хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низоимнинг янги лойиҳаси, шунингдек, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш тартибини тақомиллаштириш, мавжуд сансалорликни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ялпи мажлис давомида Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавкуллада ва мухтор элчисини тайинлаш, Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритиш ва Олий Мажлиси Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси сенаторлари томонидан маъқулланган қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга, шунингдек, халқро қарорликни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Қуйидагилар: Абдулло Садуллоевич Аллаев ўн йил муддатга Кароматжон Худайберганаовна Давлетова ўн йил муддатга Алишер Абдухалимович Жалилов ўн йил муддатга Гулнора Ахатова Парниева ўн йил муддатга Шухрат Эсанбаевич Ражабов ўн йил муддатга Сарварбек Азимжонович Раҳмонов ўн йил муддатга Камолитдин Сунатович Толлибаев ўн йил муддатга Анвар Хамидович Шуқурulloев мuddатсиз даврга Хасан Сунатиллаевич Эгамбердиев мuddатсиз даврга Эркин Одилович Эргашев ўн йил муддатга Махмуд Узразобович Эшимбетов ўн йил муддатга Хуршид Абдувахобович Эшмуратов ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин. 2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан: Кудратилло Мирабдуллоевич Бабаев Умидахон Адамова Имомова Зафар Сафарбоевич Назаров Нодиржон Турсунболтаевич Ражабов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин. 3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. ЙЎЛДОШЕВ Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 май

Ижро масъулияти — тараққиёт кафолати

Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз тараққиётига оид янги қонунлар маъқулланиши билан бирга, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларининг ҳисоботлари ҳам эшитилди. Мухбиримиз бу ҳақда сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Шоҳида АРИПОВА, Олий Мажлиси Сенати аъзоси: — Сенаторлар ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг жорий йил биринчи чорадаги ижросига оид ҳисоботини кўриб чиқдилар. Айтиш мумкинки, унда белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида муайян ишлар қилинган.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришишнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссия аъзолари жойларга чиқиб, Дастурнинг бажарилишини ўрганишганда, айрим масалалар кўзга ташланган эди.

Мисол учун, мактабга, умумий ўрта ва олий таълим тизимларида узвийлик, концептуал соҳани бошқаришда янгида ёндашув етишмаётгани сабабли юртимизда малакали кадрларга бўлган эътиҳ долзарб масалага айланган.

Олий таълим тизимида аксарият ҳолларда рақобат мавжуд эмас. Ўқув юртлирининг фаолияти ўта марказлашган, самарадорлик кўрсаткичларини жорий қилиш ишлари йўлга қўйилмаган. Университет, институтлар томонидан иқтидорли ва билимли ёшларни жалб қилиш, уларни тегишли лицейларда мақсадли тайёрлаш ҳолати қониқарсиз.

Умуман олганда, олий таълимни ривожлантиришишнинг узок мuddатли концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишларни жадаллаштириш зарур.

Бу жараёнда Вазирлар Маҳкамаси парламентимизнинг иккала палатаси, маҳал-

лият Кенгашлар депутатлари билан биргаликда Давлат дастури бажарилишини ҳамжihatликда ташкил этиши айна мuddао.

Максуда ВОРИСОВА, Олий Мажлиси Сенати аъзоси: — Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботига вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид рақамлар айтиб ўтилди. Батафсил таҳлил қилинди.

3 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда қисқа мuddатда 600 дан зиёд лойиҳаларнинг амалга оширилгани ва юзлаб барқарор иш ўринлари яратилгани катта аҳамиятга эга.

Бирок муҳокамага таййергарлик қўриш жараёнидаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, агар мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинганда, айниқса, бугунги куннинг янги талаблари асосида барча масъуллар самарали иш олиб борганида, ютуқлар янада заъворли бўлиши мумкин эди.

Мисол учун, вилоятда ижтимоий соҳаларда тўпланиб қолган муаммолар ва уларнинг бошқа ҳудудларга қараганда қўлами анча кенглиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Чунончи, вилоятда 247 та тиббиёт муассасасининг тенг ярми таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Тиббиёт муассасаларида қарийб 1000 нафар шифокорлар етишмаслиги эса

мамлакат марказига туташ бўлган, кўплай мутахассислар пойтахтга қатнаб ишлаётган ҳудуд учун ачинарлидир.

Бундан ташқари, чикиндиларни тозалаш, олиб чиқиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ хизматлар вилоят аҳолисининг 60 фоизини қамраб олмаган. Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманларининг тоғли ҳудудларида истиқомат қилаётганлар эса бу хизмат қамровидан мутлақо четда қолган.

Албатта, буларнинг барчаси юзасидан тегишли чоралар қўрилиши мақсадга мувофиқ.

Очилди ХИДИРОВ, Олий Мажлиси Сенати аъзоси: — Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти натижалари билан танишиб, текширув ва назорат тадбирлари билан бир қаторда, Президент қарорлари ҳамда топшириқларининг жойлардаги ижросини ўрганиш орқали муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг самарали ҳал этилишига эришиш борасида

Тарих саҳифаларида сирлилигича қолиб кетаётган шундай воқеалар борки, уларни ўрганиб, тўлиғича халқимизга етказиш учун узоқ йиллар қаттиқ меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Айнан шу инсоннинг узоқ йиллик машаққатли фаолияти туфайли фашистлар Германияси Марказий Осиёда «Учинчи фронт» деб аталмиш қабиҳ режасини амалга ошира олмаган.

— Пўлатжон ака, сиз билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни байрами арафасида суҳбат қураётганимизнинг рамзий маъноси бор.

гогика билим юртига ўқишга жўнатилади. Бу ерда ҳам у тўғма истеъдодини намойиш этади.

пилган. У гўёки шоир, ёзувчи ва таржимон бўлиб, Шуро ҳокимиятининг «душмани» сифатида қувгинга учраган ва Бирлашган давлат сийёси бошқармасининг (ОГПУ) таъйинларида қўриқчи, жонини сақлаш мақсадида хорижга кетишга мажбур бўлган.

«УЧИНЧИ ФРОНТ»

ёхуд афсонавий ўзбек разведкачисининг Марказий Осиёда немис фашистлари агрессив ғояларини йўққа чиқаргани хусусида

— Таши разведка бўйича тажрибали мутахассислар, экспертлар Баҳром Иброҳимовнинг нолегал разведкага — ўта мураккаб ва қийин ишга жалб этилишининг асоси нимада эканлигига катта қизиқиш билдирадилар. Чунки бу соҳага ҳамма ҳам тақлиф этилмайди, одатда, бундай ишларга минг бир синовлардан ўтган ўта юқори савияли, билимли ва удабурон, ҳар қандай вазиятдан имкон топиб чиқиб кета оладиган шахсларгина қабул қилинади.

билан бирга, Баҳром Иброҳимов энг оғир вазиятларда, бошига аёвсиз азобу уқубатлар тушган паллада ҳам она Ватанига бўлган чекизи меҳр-муҳаббати туфайли бардош берган.

— Ҳақ гапни айтдингиз, умуман, махсус хизмат тизимига, айниқса, унинг таши разведкага йўналишига номзод танлашда ҳамма замон ва даврларда ҳам ўта ҳиддий талаблар қўйилган.

— Разведкачизимнинг бу қадами «Учинчи фронт»нинг барбод этилиши йўлидаги илк босқич, деб ҳисобласак бўладими?

— Ҳақ гапни айтдингиз, умуман, махсус хизмат тизимига, айниқса, унинг таши разведкага йўналишига номзод танлашда ҳамма замон ва даврларда ҳам ўта ҳиддий талаблар қўйилган.

— Демак, айтиш мумкинки, Баҳром Иброҳимов, аввало, ўз касбига садоқати билан Марказий Осиёни, хусусан, бизнинг диёримизни уруш олови майдонига айлантиришга бўлганларнинг пайини қирқишда жонбозлик қўрсатган миллий қаҳрамонимиздир.

— Ҳатто Албатта, ичдан емириш осон, чунки ҳамма нарса кўз олдига, ойнадек равшан туради.

— Албатта, ичдан емириш осон, чунки ҳамма нарса кўз олдига, ойнадек равшан туради.

— Айтиш мумкинки, Баҳром Иброҳимов нолегал разведка майдонини тасодифан пайдо бўлган эмас.

— Ҳақиқатдан шундай. Унга марказ томонидан Эрон, Туркия ва Афғонистонда фаолият олиб бораётган туркистонлик мухожирларнинг ишончини қозониш, имконият бўлган тақдирда, Европа мамлакатларидаги, жумладан, Франция, Германия ва АҚШ ҳудудларида истиқомат қилувчи мухожирлар ташкилотлари билан муносабат ўрнатиш вазифаси юклатилган.

— Англиянинг Афғонистондаги элчиси Ф. Вайли маълумотларига қўра, Афғонистон Бош вазир Хошимхоннинг иккиозлашмаси сийёсат олиб бораётгани маълум эди.

— Бунга ўша даврда собиқ Иттифокнинг Афғонистон ҳукуматида юборган норозилик нотаси ҳам туртки бўлган, яъни нотада Германия ҳукуматида мустақил бўлган Афғонистонда кўпуровчилик ҳаракатларини тўхтатиш ва уларни тарқатиб юбориш, мухожирларнинг фаолиятини ҳисобга олиш ва судга бериш талаби қўйилган эди.

— Ҳар бир соҳага номзод танланган экан, аввало, унинг салоҳияти ҳисобга олинади.

— Муфтий Садриддинхўжа 1923 йилда Шўролар ҳокимиятига қарши курашда айбонлиб, Тошкентда қамқоққа олинган, лекин қончишга муваффақ бўлган ва фаолиятини Эронда давом эттирган.

— Шундай экан, Баҳром Иброҳимовнинг юқорида қайд этилган ёвуз кўчлар ичда бўлганлиги ва уларнинг гаразли саъй-ҳаракатлари ҳақида марказни ўз вақтида огоҳ қилиб турганлиги «Учинчи фронт»нинг очилишига қарши асосий ғов бўлди, десак, мутлақо тўғри.

— Баҳром Иброҳимов ўзи учун тўқилган тарихида ҳолидаги ролини шундай моҳирлик билан ўқиб этганики, ҳатто немис резидентурасининг раҳбари Расмус Урта Осиё мухожирларининг Ватани шўролардан озод этиш борасидаги барча тадбир назоратини Баҳром Иброҳимовга ишониб топширган.

«Бизнинг Шарқий чегараларда «пўлат қўл» ишляпти. Токи у бор экан, «Учинчи фронт» ҳаргиз очилмаган».

1932 йилда Баҳром Иброҳимов нолегал разведкачи сифатида мажбур мамлакатга чиқарилганда, унга топширилган муҳим вазифалардан бири муфтий Садриддинхўжа билан яқин муносабат ўрнатиш, ишончини қозониш белги-ланган.

— Шу ўринда муҳимроқ масалага эътибор қаратсак, яъни Туркистон мухожирларининг стихияий эмас, балки бирлашиб, ягона мақсад учун ҳаракат қилишлари ҳам олдидан режаланган ва чўқур ўйланган бўлиши керак.

Бундан ташқари, бизгача етиб келган маълумотларга қўра, Баҳром Иброҳимовнинг бундай маъсулияти касбини танлашда ўша даврдаги сийёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятларни яхши идорак этган.

— Бундан ташқари, бизгача етиб келган маълумотларга қўра, Афғонистонда фаолият олиб бораётган туркистонлик мухожирларнинг ишончини қозониш, имконият бўлган тақдирда, Европа мамлакатларидаги, жумладан, Франция, Германия ва АҚШ ҳудудларида истиқомат қилувчи мухожирлар ташкилотлари билан муносабат ўрнатиш вазифаси юклатилган.

— Шу ўринда муҳимроқ масалага эътибор қаратсак, яъни Туркистон мухожирларининг стихияий эмас, балки бирлашиб, ягона мақсад учун ҳаракат қилишлари ҳам олдидан режаланган ва чўқур ўйланган бўлиши керак.

— Танқиди разведкачининг ўзбек разведкаси вақилига юксак баҳо бериши Баҳром Иброҳимовнинг нечоғли салоҳиятли разведкачи эканлигини дарах беради.

— Шу ўринда бир савол туғилди. Навқирон илгитининг фақат истеъдодига ҳисобга олинган бўлса керак.

— Бугунги саодатманд кунларга етиб келишимизда Баҳром Иброҳимов, унга ўхшаш мард ва жасур аждодларимизнинг салмоқли улуши бор.

— Уша вақтларда айрим мухожир ташкилотлар раҳнамолари доирасида мухожирларнинг лидери сифатида Шермухаммадбекнинг эътирофи этилиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар бўлган.

— Баҳром Иброҳимов ўзи учун тўқилган тарихида ҳолидаги ролини шундай моҳирлик билан ўқиб этганики, ҳатто немис резидентурасининг раҳбари Расмус Урта Осиё мухожирларининг Ватани шўролардан озод этиш борасидаги барча тадбир назоратини Баҳром Иброҳимовга ишониб топширган.

— Архив манбаларига қўра, унга «муҳожир» деган тўқима ёрлиқ ҳам ўйлаб то-

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мустақил қайтарибмайлади.

Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукуров.
Навбатчи — Ш. Рафқоров.
Мусаҳҳих — С. Исмаилов.

Тўқин ҲАЙИТ суҳбатлашди.